



**НАТО ҚҮШИНЛАРИДА ҲАРАКАТЛАР (ҚҮМОНДОНЛИК ШТАБ ЎҚУВЛАРИ,  
ТАКТИК ЎҚУВЛАР) РЕЖАЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШДА  
(МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА СИМУЛЯЦИЯ ВОСИТАЛАРИДА ҲАРБИЙ  
ЎЙИНЛАР) КОМАНДИР ВА ШТАБНИНГ ИШИ.**

**Сайдумаров Иброҳим Ҳашимович**  
*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*  
*Академияси тингловчиси*

**Илмий раҳбар:**  
**ШАИМОВ Одил Қосимович**

**Аннотация:** Ушбу мақолада тактик ҳаракатлар ва қўмондонлик штаб ўқувларини НАТО қўшинларида моделлаштириш ва симуляция воситаларида тахлил қилиш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** қўшинлар, НАТО, тактик ўқувлар, қўмондонлик штаб ўқувлари, ҳаракатлар режалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, ҳарбий ўйинлар.

Дунё ҳамжамиятида юз бераётган туб ўзгаришлар, шунингдек содир бўлаётган ҳарбий сиёсий вазиятдаги янгиланган тактик ҳаракатлар ҳорижий давлатларнинг Қуролли Кучлар шахсий таркибини таълими ва жанговар тайёргарлик усулларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишга мажбур қилмоқда. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда тактик ҳаракатлар усулларини ва услубиятини самарадорлигини ошириш мақсадида изланишлар олиб борилишига ва чуқур ўйлаб тахлил қилишга олиб келмоқда.

Мисол учун, НАТО ташкилотига аъзо бошқа давлатлар қуруқлиқдаги қўшинларида замонавий жанг хусусиятларига алоқадор бўлмаган, самарасиз ҳаракатларни ўз ичига олган машғулотларни ўтказиш деярли тўхтатилган.

Қисм ва бўлинмалар шахсий таркибининг тайёрлаш ўқитишнинг турли шаклларини ўз ичига олиб, ўзларининг ҳамда душманнинг қўшинлар жанговар тартиби ва жанговар қўллашга замонавий қарашлардан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилмоқда. Шу ўринда асосий эътибор амалий фаолиятга, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар уйғунлиги ва дала шароитларидаги малакасига қаратилмоқда[1].

Тактик ўқувлар турлича бўлиб, улар қўшинларнинг тайёргарлигининг асосий шакли ҳисобланади. Мисол учун, АҚШ ҚҚ улар ҳажми, ўрганувчи томонларнинг сони, мақсади ва ўт очиш вазифаларини бажариш услублари



бўйича фарқланади. Ҳажми бўйича отделения, взвод, рота, батальон, бригада ва дивизия тактик ўқувларига бўлинади. Қатнашувчи томонларнинг сони бўйича бир томонламали, икки томонламали ва бир томонламали “қарама-қарши жанг” олиб бораётган душман билан бўлиши кўзда тутилган. Сўнги ўқувларда ўрганувчилар томон - жанговар вазифаларни ўз қўшинларининг тузилиши ва тактикаси бўйича олиб боради, қарши томон эса душманнинг ҳатти-ҳаракатлари асосида тайёрланган махсус қисм ёки бўлинма бўлиб, улар душманнинг қуроллари, ҳарбий техникаси ва кийимларидан фойдаланадилар. Тактик ўқувлар ўт очиш билан, ўт очишсиз ёки ўт очиш (яксон қилиш)ни лазерли имитаторлари ёрдамида, ҳамда моделлаштириш ва симуляция воситалари ёрдамида ўтказилиши мумкин.

Тактик ўқувлар мақсадидан келиб чиқиб мустақил, биргалиқдаги, мажмуавий, текширув, кўргазмали ва тажриба кўринишида ўтказилиши назарда тутилган.

#### **Ҳаракатлар режа (тактик ўқув) таҳлили саккизта вазифадан иборат:**

1. Керакли маълумот (ҳисоб-китобларни)ларни йиғиши;
2. Ҳамкорликдаги қўшинларни инобатга олиш;
3. Эҳтимолий ҳаракатларни инобатга олиш;
4. Вазиятни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш;
5. Ҳарбий ўйин услубини танлаш;
6. Натижалар кўриниши бўйича ҳисоботлар тайёрлаш.
7. Операцияни ҳарбий ўйинда кўриб чиқиш ва натижаларни баҳолаш.
8. Ҳарбий ўйинга йўриқнома ўтказиш [2].

АҚШ ҚҚларининг услугбий тавсияларига асосан тактик ўқувларни режалаштириш ва ўтказишда ўрганувчиларга қийинчиликлар ошириб борилиб ва уларнинг янада қийин ҳаракатларни олиб боришга тайёрлашни назарда тутади. Яъни, бўлинмаларни катта ҳажмдаги ўқувларда иштирок этишидан аввал бир неча мустақил ўқувлар ўтказиш зарур ҳисобланади. Мустақил ўқувлар қисм ва бўлинма командирлари томонидан кучайтириш воситаларисиз ўтказилиб, уларни маълум жанг турида ўз кучлари билан ҳаракатлар олиб боришига тайёрлаш мақсадида ташкиллаштирилади.

Бу ўқувлар жанговар жипслалиш ва тактик вазифаларни бажаришнинг дастлабки погонаси ҳисобланади.

Взвод ва роталар билан мустақил тактик ўқувлар асосан 3 та мавзу бўйича ўтказилади: взвод (рота) ҳужумда, мудофада ва чекинишда [4].

Ҳужумда бўлинмаларнинг ҳамла давридаги ҳаракатлари, ҳаракат ва ўт очишни мувофиқлаштириш масалалари, бошқарув, ҳаракатларни обьект ва марралар бўйича уйғунлаштириш, мудофаада – мудофаа позицияларини танлаш, ташкиллаштириш ва эгаллаш, душман ҳамласини қайтариш масалалари, чекинишда – оралиқ марраларини танлаш, ташкиллаштириш ва



эгаллаш, ҳамда дастлабки позицияларга чекиниш масалалари бўйича ташкил қилинади. Взвод ва рота билан ўқувларнинг 50%дан кўпроғи тунда ва кўриниш чекланган шароитларда ўтказилади.

Бошқа қўшин турлари бўлинмаларининг тактик ўқувлари (артиллерия, мухандис ва бошқалар), маҳсус вазифалардан ташқари, пиёда ва танклар билан ҳамкорликка, очик ва паст-баланд жойлардаги жипс ҳаракатларга, маршни амалга оширишга, кечувни таъминлашга, позицияларни фортификация жиҳатидан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувлар режасида, шунингдек ҳарбий техникаларга хизмат кўрсатиш, радиацион ва кимёвий разведка олиб бориш, ОҚҚ дан ҳимояланишни ташкиллаштириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ярадорларни эвакуация қилиш масалалари ҳам назарда тутилади.

Қисм ва бўлинмаларда **ҳамкорликдаги ўқувлар** (жанг турлари бўйича) кучайтирувчи воситалар билан рота ва бтэр таркибида ўтказилади. Бундай ўқувларда кўпроқ вақт турли қўшин турлари бўлинмаларнинг ҳамжихатликдаги ҳаракатларига, шунингдек узлуксиз ҳамкорликни ташкиллаштириш ва таъминлашга ажратилади. Отделения-батальон бўғинида бу ўқувлар, асосан бир томонлама бўлади. Ўқувлар давомида яхши ўзлаштирилмаган ҳаракатлар усул ва услублари, баъзида эса бутун босқичлари тақороран бажарилиши мумкин. Бригада ва дивизиялар билан ўтказиладиган ўқувлар одатда икки томонлама бўлади. Бундай ўқувлар “ревога” бўйича қўзғалиш ва белгиланган худудга чиқиш билан бошланади.

Мажмуавий ўқувлар бир нечта мавзуулар бўйича ўтказилиб, моҳияти жиҳатидан ҳар хил ҳаракат турларини ёки вазиятларни ўз ичига олади. Мақсад тактик вазифаларни бажариш ва белгиланган тайёргарлик даражасига эришишдан иборатdir.

Текширув ўқувларини мақсади қисм ва бўлинмаларнинг жанговар малакаларини аниқлашдан иборат бўлиб, асосан мажмуавий мавзу бўйича нотаниш худудда, вазиятни аста-секинлик билан мураккаблаштириш, баъзи босқичларида жанговар от ўчиш билан ўтказилади.

Мажмуавий ва текширув ўқувлари одатда икки томонлама, ёки бир томонлама ҳаракатланаётган душман билан ўтказилади.

Взвод, рота ва батальон билан мустақил, биргалиқда, мажмуавий, кўргазмали ва тажриба ўқувлардан ташқари жанговар тайёргарлик вақтида ва текширув ўқувлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳаракатларни янги усуларини амалда синааб кўриш ва тактик нормативларни амалий ўзлаштирилганини текшириш мақсадида ҳам ўтказилади.

НАТОга аъзо давлатларда батальон тактик ўқувларини ўтказиш учун одатда, ўқув раҳбари, раҳбарнинг ОҚҚ қўлланишини имитацияси ва ундан ҳимояланиш бўйича ёрдамчиси (унинг ўзи раҳбарият штаби бошлиғи),



бундан ташқари душман ҳаракати, таъминот, техник қисм, алоқа ва қурол-яроқ бўйича ёрдамчилари, ҳар бир взвод бўйича, шу жумладан “душман” бўлинмаси учун воситачилар тайинланади.

Алоқани таъминлаш учун раҳбарият, батальон командири, бўлинмалар ва душман радиотармоқлари ташкиллаштирилада.

Шахсий таркибни аҳлоқий-руҳий тайёргарлигини ошириш мақсадида АҚШ қўмондонлиги томонидан ўқув ҳудудини махсус жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилади. Ўқув майдонини муляжлар, шикастланган танклар, талофат кўрган автоколонналар, уруб туширлаган самолётлар жойлаштирилади, шу билан бирга вайрон қилинган аҳоли пунктлари ва бузилган кўприклар барпо қиласанади. АҚШ ҚҚ ФМ 2-01.3 дала низомида “дала қўрқинчли кўринишга эга бўлиб ва урушга тайёргарлик кўраётган инсонларда тегишли таасурот қолдириши керак” деб айтиб ўтилган [4].

Ўқув ўтказиш учун ўқув ғояси ва режаси ишлаб чиқилади, умумий ва хусусий вазият, ҳамда ўқувни босқичлари бўйича томонлар ва воситачилар ҳаракатлари берилади. Қўшимча равишда илова кўринишида разведка, воситачилар ишлари бўйича, моддий-техник таъминот режалари, ҳамда душман ҳаракатини кўрсатувчи томонга умумий кўрсатмалар ва ўқувни ривожланиш жараёни график тасвирланган ҳаритаси тузилади.

АҚШ армияси қўмондонлиги кичик бўлинмаларни тайёргарлиги натижаларини баҳолашга катта аҳамият бермоқда. Масалан, бўлинма таркибида асосий мавзулар ўтказиб бўлингандан кейин, батальон командири ёки юқори бошлиқ томонидан синов, яъни икки кунлик икки томонлама мажмуавий мавзу бўйича тактик ўқув ўтказилади. Кўпинча ушбу ўкувда батальон бошқа кўшин турлари бўлинмалари билан кучайтирилади. Текширувнинг мақсади – шахсий таркибнинг жанговар вазифаларни бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлаш, кейинчалик бартараф қилиш учун камчилик ва заиф жойларини топиш, ўқитишдаги ижобий тажрибани умумлаштиришдан иборат бўлади.

Ўқувлар давомида батальон (рота) ни жанговар ҳаракатларнинг қийин шариотда ҳар хил турдаги ҳаракатлари, командирларнинг разведкани ташкиллаштириш ва олиб бориш маҳоратлари, исёнчилар ва душманнинг дивирсион-разведка гурухларига қарши курашиб билимлари жанговар шароитнинг шиддатли ўзгариш мобайнида текширилади.

Бундан ташқари, ўқувнинг баъзи босқичларида ўт очиш кўнималарини текшириш учун жанговар отиш ўтказилаши мумкин.

XXI аср бошигача ўқувларни ва бўлинмаларни баҳолашда аниқ бўлимларга баллар қўйилар эди, яъни моддий қисмни тайёргарлигига, командир ва бўлинмаларнинг ўқувнинг босқичлари бўйича ҳаракатларига, текширалаётган батальон (рота) га берилган бўлинмалар ҳаракатларига,



урилган нишонларнинг сонига (агар жанговар ўт очиш ўтказилган бўлса) ва бошқалар.

АҚШ ҳарбий мутахассислар бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, мавжуд тактик ўқувларни текшириш методикаси ва натижарларини баҳолаш жуда ҳам мураккаб. Бунда асосий эътиборни мазмун-моҳиятга эмас, балки бўлинмаларнинг ҳаракатларига урғу берилмоқда. Ушбу камчиликларини бартараф этиш мақсадида АҚШ армияси қўмондонлиги XXI аср бошида шахсий таркибни, қолаверса бўлинмаларни тактик ўқув учун баҳолаш тизимини ўзгартирди. Янги тизимнинг асосида “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳоланади.

Тактик ўқувлардан олдин батальон (рота) ўқувларининг натижаларини баҳолаш бланка-варақалари тайёрланади. Бланкалар қўйидаги бўлимлардан иборат: бўлинманинг ҳаракатлари баҳоси, жангнинг ҳар бир элементи (қисми) учун баҳо ва кўрсатмалар. Ротада взводлар ҳаракатлари баҳоланади, батальонда – роталар. Мисол учун, ротада баҳолаш учун бўлинмаларнинг ҳамладаги ҳаракатлари, душманнинг мудофааси ичкарисадаги ҳаракатлари, душманнинг қарши ҳамласи қайтариш, эгалланган обьектни мустаҳкамлаш, тунги ҳаракатлар ва бошқалар [2].

Баҳони ротадаги воситачи бўлинмаларнинг ҳаракатлари натижаларига кўра чиқаради, бунда у шу ва бошқа вазифаларни бажаришга қанча бўлинма қатнашганини кўрсатади ва ушбу вазифани бажариш натижалари бўйича умумий баҳони қўяди. Масалан, жангнинг қайси бир босқичида учта взвод қатнашган ва улардан иккитаси вазифани яхши бажарган, ушбу ҳаракатлари учун рота қониқарли баҳасини олади. Бундан ташқари воситачи баҳолаш varaқасида жангнинг ҳар бир элементи (қисми) учун ўзининг алоҳида кўрсатмалар беради.

Ротага умумий баҳо қўйилгандан кейин воситачи рота олдида баҳони асослаб беради (агар керак бўлса) ва ротанинг жанговар тайёргарлигига таъсир қиласиган камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар беради.

Батальонни баҳолаш varaқаси юқори бошлиқ томонидан тўлғизилади. Бунда роталарнинг ва умуман батальоннинг ҳаракатлари баҳоланади. Батальонни баҳолаш varaқаси ротани баҳолаш ведемостидай бўлиб, аммо бунда батальонни ҳаракатлари алоҳида қайд қилинади ва ҳар бир рота алоҳида қилиб кўрсатилади.

Баҳолаш varaқасида батальон ҳаракатларида қатнашган бўлинмалар сони кўрсатилади. Баҳо қўйишда қўйидаги тартиб асосланилади: агар қўйилган вазифа билан бўйсинувчи бўлинмаларнинг 2/3 қисми уddaлаган бўлса, ундай бўлса юқори бўлинма “қониқарли” баҳо олади.

Катта воситачи батальоннинг баҳолаш varaқасини ҳулосасига илова қилиб ўзининг кўрсатмаларини (баҳоларни) даллилларни келтиради ва



программаларида назарга олинган шахсий таркибни тайёргарлиги учун дарслари бўйича керакли кўрсатмалар беради.

Чет эл ҳарбий нашрларида ушбу текшириш тизими юқоридаги командирларнинг ўз қўл остидаги бўлинмаларнинг тайёргарлиги бўйича жавобгарлигини оширади деган мулоҳазалар билдиrolмоқда. Айни вақтда, ушбу тизим маълум камчиликлар эга, яъни бунда нохолислик элементлари мавжуд ва шунинг учун янада такомиллаштиришга муҳтожлик бор деб ҳиссобланмоқда [1].

АҚШнинг 2010 йили январ ойида эълон қилинган “АҚШнинг глобал пешқадамлигини сақлаш. XXI асрда қуролли кучлар учун устуворликлар” янги мудофаа стратегияси бўйича ҳозирги вақтда АҚШ ҚКнинг 26 та дислокация худудлари бирлаштирилиб ва улар асосида 12 та иирик умумий мақсадга қаратилган ҳарбий базалар ташкиллаштирилмоқда. Ҳар бир ҳарбий базада операцияларга тайёрлаш мажмуаси (моделлаштириш ва симулация маркази) тузилиб, АҚШ ҚКнинг бошқарув органлари ва бирлашма ва қисмларини тезкор ва жанговар тайёргарлик тадбирларини моделлаштириш ва симулация воситаларини ишлатиш билан таъминлаб беради [4].

Ўтган йилнинг 29-30 июляда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари делегациясининг АҚШга ташрифи давомида АҚШ ҚКнинг Марказий қўмондонлигининг ҚҚ 3-армиясини штабидаги операцияларга тайёрлаш мажмуаси билан танишдилар. Ушбу мажмуа одатда иккита бўлимдан ташкил топган, яъни моделлаштириш ва симулация қилиш (ҳарбий хизматчиларни тайёрлашни ташкиллаштириш) ва техник таъминот (тармоқларни тузиш ва ишлатиш).

Мажмуанинг асосий фарқи унинг ҳаракатчанлигига, яъни барча жиҳозлар қисмларга ажратилади ва ташишга мойил. Ушбу мажмуа АҚШлари ҚКнинг Марказий қўмондонлигининг ҚҚ штабини Форс кўрфази давлатларида ўтказилган кўплаб қўмондонлик штаб тактик ўқувларини таъминлаб берган.

Америкалик ҳарбийлар асосий диққатни мавжуд ва истиқболдаги тактик тизимларни бирлаштириш тизимига қаратмоқдалар, яъни бўлинмалар ҳаракатларини ўйнаш ва маълумотларни қабул қилишни реал вақт тартибида, ҳамда ҳар хил маълумотлар базаси ва манбааларининг имкониятларини ишлатишга.

Шунингдек, ташриф чоғида, **MAKO (Multi-Agent Knowledge Online)** дастурининг имкониятлари АҚШлари ҳудудида фавқулоддаги холатларга таъсир қилиш учун ишлатилмоқда ва турли компютер тизимларини ҳамкорлиги ҳисобига тезкор ҳизмат (агентлик) ларнинг маълумотлар базаси реал вақтда ишлатилишига имконият беради. Дастур автоматик равища маълумотларни бирлаштириш ва командирлардан тортиб то



бўйсунувчиларгача қарор қабул қилиш ва ушбу ҳолатга таъсир этиш учун ҳар хил алоқа тизимларини ва компьютерларни ишлатади [5].

Дастурда қуидаги таркибий қисмлар ҳамкорлик қилиши мумкин, яъни бўлинмаларнинг жойлашуви кўрсатилиши, геоинформацион тизимлар (мисол учун Google Earth, Open Layers ва бошқалар), маълумотлар базаси.

Операцияларга тайёрлаш мажмуасида жанговар группа-взводни тайёрлаш учун **VBS2** – симуляция мажмуаси ишлатилмоқда.

**VBS2** симуляция - бу интерактив 3 ўлчамли ўқитиш тизими бўлиб, юқори даражадаги архитектурларни қўллаб-қуватловчи, виртуал макондаги ҳарбий ҳаракатлар ўтказиш имконини берувчи, ҳамда бўлинмаларини тоғ ва шаҳар шароитларида, куннинг ҳар хил вақтида, шунингдек турли об-ҳаво шароитида жанговар ҳаракатларни моделлаштириш имконига эга [6].

Россия Федерация ҚҚ да ҳам, яъни Нижний Новгород шаҳри яқинида яқин келажакда истиқболли маркази очилиши кўзда тутилган, ушбу марказни тузишда “Рейнметалл” немец фирмаси қатнашмоқда. Марказ ўқитиш мажмуаси ва тизими билан жихозланади, яъни ғарб давлатларидағи ҳозир кундаги марказларида тайёргарлик олиб борилаётгани сингари.

Тактик ўқувлар бригадага қадар машғулотларда ташкиллаштирилади, шахсий таркиб билан аниқ ҳудудда, умумий виртуал майдонда машғулотлар - машқ воситаларида, бригада командири ўзининг барча бўйсунувчиларини кўриши ва бошқариш имконини беради.

Шундай марказ ҳозирда **Мулино** аҳоли пунктида жойлашган. Твер шаҳрида Ҳаво-космос мудофааси академияси қошида эса ушбу марказ учун техник воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [3].

Ушбу марказларнинг асосий вазифаси – мутахассис ҳарбий ҳизматчилар (ЖМ экипажлари) ни тайёрлаш. Буларда функционал мажбуриятларни бажариш ўргатилмоқда, шунинг учунки кейинчалик қўшинларда секция, экипаж ва ҳисоб жипслашув босқичини тезроқ ўтиш учун.

Бироқ ушбу марказда жанговар тайёргарлик нафақат алоҳида жангчини тайёрлашга мўлжалланган, бундан ташқари бутун бўлинма ёхуд қўшилмагача тайёрланаяпди. Бўлинмаларни тайёрлаш учун ахборот технологиялари барча об-ҳаво шароитларини имитатция қилган ҳолда ўтказилмоқда. Ҳар йили ушбу марказ орқали 9 гача умумқўшин бригадаси тайёргарликдан ўтмоқда.

Икки томонламали тактик ўқувларда ўт очишни лазерли имитаторлар билан ўтказиш учун марказ штатида ШБХХдан ташкил топган батальон мавжуд бўлиб, улар чет эл армиялари тактикасига хос хусусиятли ҳаракатлар олиб борадилар.

Бундан ташқари, ушбу марказда тренажёрлар мавжуд. Мажмуавий тренажёр ўз ичига мотоўқчи ёки танк батальонини барча кучайтириш



воситалари билан, яъни артиллерия, ҳавохужуми мудофааси бўлинмалари, танкга қарши бўлинмалар, вертолёт авиацияси.

Бу мукаммал мажмуа, нафакат қўшин турлари орасида жипсплашишни имкониятини беради, шу қаторда турлараро тайёргарликни ўказишни ҳам.

Мажмуавий тренажерда ўргатиш давомида командир ўзининг ташшабускорлигини кўрсатиши мумкин, шунингдек у томонидан фикрлаш доираси ва ноанъанавий услусларни ишлатиш имконини беради.

Манёвр, айланиб ўтиш ва қуршаб олишни бажариш - бу командирнинг тизгинида бўлади. Асосийси шуки, яъни командир оз вақт ичидаги жанговар вазифани бажаришни бир қанча вариантларини ўтказиши мумкин.

Ўқитиш дастурига Афғонистон тажрибаси ҳам киритилган, шунингдек марказда Россия қуролли кучлари ва хориж ҳарбий тажрибасини ўрганиш ва амалиётга киригизиш бўлимни ташкил қилинган [3].

Марказда ўқувларни таҳлил қилиш учун маҳсус бўлинма, яъни таҳлил қилиш гурӯҳи ташкил қилинган. Ушбу гурӯҳ қисқа вақт ичидаги кўп ажралиб турган ҳатоларни, вазифани бажаришдаги ижобий томонларни, ғамда ўрганувчиларни ҳаракатларини тўлиқ таҳлилини тайёрлаб беради.

Шундай қилиб, ўрганувчилар шу ернинг ўзида ўз ҳаракатлари учун йўл йўриқ ва баҳо оладилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш зарур, АҚШ ҚКларининг операцияларга тайёргарлик кўриш мажмуаси ва РФ ҚКларини жанговар тайёргарлик маркази фаолиятини таҳлили моделлаштириш ва симуляция қилиш мажмуавий дастурларини истиқболли ривожланишини кўрсатмоқда.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари келажақда ушбу марказлар билан ҳамкорликдаги ишлар заруриятини белгилаб беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБААЛАР:**

1. Интернет маълумотлари: 1. <http://www.mk.ru> ( 24.04.2023).
2. Материалы международной-научно-общественной конференции. Космическое мировоззрение – новое мышление XXI века. <https://books.google.co.uz/books?isbn=5041561893.html> (мурожаат санаси: 03.05.2023);
3. Турдалиев К.Т. “Основы управления войсками” 2005 год Учебное пособие
4. The New York Times - 2011 yil 1 may
5. Virtual jangdan haqiqiy saboqlar - BBC News - 2008 yil 29 avgust
6. Topeka Capital-Journal - 2008 yil 25 aprel